

Тадбиркор талабни бажарган, навбат банкка келганда ишлар чаппасига кетди



5-бет

Муаллим 25 йил ўтиб оқланди



6-бет

## Фашизмнинг ақлбовар қилмас ВАХШИЙЛИКЛАРИ

ЎША дахшатли йиллар кимдир юрак ютиб Менгелдан "Бу қадар кўп бегунох инсонларнинг қонини тўкишига виждонингиз қийналмайдими?", деб сўради. Унинг жавоби кескин бўлди: "Нима у виждон? Менинг виждоним — Адольф Гитлер".

8-бет



# ИНСОН ҚОНУНИ

18 февраль 2020 йил / № 06 (1210)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



Таълим ва адолат жойидами

Черчилльга Британия осмонидан бомбарлаш тушаётгани хабарини беришди. У сўради:  
— Таълим билан суд тизимининг аҳоли қандай?  
— Таълим давом эътиятти, судлов адолатли, — дея жавоб қайтардиши.  
— Демак, қўрқмасангиз ҳам бўлади. Ишларимиз жойида!

## ЕРДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ: Бу нега оғриққа айланди?

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар



Сўнги 15 йил ичида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар ҳажми камайди



2018-2019 йилларда

Ҳокимликлар томонидан ноқонуний ажратилган ер майдонлари

3244 та ҳолатда  
**56 МИНГ ГЕКТАР**

Ер сотиш, талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан

**473 та** жиноят иши кўзгатилиб, **543 нафар** шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

2019 йилда

**638 ГЕКТАР** суғориладиган майдонлар қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун ноқонуний бериб юборилган.

Ҳар қарич ер — халқ бойлиги. Ундан ноқонуний, ўзбошимчалик билан фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Адлия вазирлиги масъул ходими Жамшид Ғафуров тайёрлади.

3-бет

Республика бўйича:

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдони

23 мингга яқин ҳолатда

**3 900 гектар**

Ноқонуний қурилишлар қилинган ер майдони

52 мингдан ортиқ ҳолатда

**6 минг гектар**

**"Tashkent Law Spring"**  
II Халқаро юридик форуми  
2020-йил 23-25 апрель  
Тошкент шаҳри  
[tashkentlawspring.uz](http://tashkentlawspring.uz)

### Коррупцияга қарши курашиш бўлими ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини янада мустаҳкамлаш ҳамда ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида марказий аппарат таркибий тузилмасида коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилди.

Бўлим адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш фаолиятини амалга оширади.

Адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вазирликнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади.

Мазкур бўлим ўз фаолиятини амалга оширишда текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, вазирлик тизими ходимларидан ёзма тушунтиришлар олиш, жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш ҳуқуқига эга.

Бўлим ходимлари йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплекс функцияларни амалга оширувчи ходимларга мўлжалланган курсларда таълим олади.

Агар бўлим ходимлари ўз хизмат вазифаларини етарли даражада бажармаса, вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ёки адлия органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузса, шунингдек, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилса, хизмат мажбуриятларини бажаришда юқлатилган ваколатлардан бош тортса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортилади.

Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

### Газ баллони ОЛИШ ҚИЙИНМИ?



6-бет

**ЖАРҚҮРҒОН** туман адлия бўлимига туманининг "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Фазлиддин Қобилов (исми-шарифи ўзгартирилган) Сурхондарё вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси томонидан ишдан ноҳақ бўшатилганлигидан норози бўлиб мурожаат қилди.

## У ИШДАН БЎШАТИЛГАНИНИ ЎЗИ ҲАМ БИЛМАС ЭДИ



Мазкур мурожаат туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди. Урганиш натижаларига кўра, Ф.Қобиловни Жарқўрғон туман филиали "Ободгузар" МФЙ ҳудудидаги сув қудуғи насос юритувчиси лавозимидан озод этиш ҳақидаги Сурхондарё вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонасининг 2019 йил 7 августдаги 164-сон буйруғи ноқонуний қабул қилинганлиги аниқланди, негаки Ф.Қобилов ўз хоҳиши билан ишдан бўшашига ариза ёзиб бермаган эди. Шунингдек, Ф.Қобилов ишдан бўшатилганлигини билмаган ҳолда ўз

хизмат вазифасини бажариб келган (насос юритган, сув қувурларини имкон қадар таъмирлаган ва бошқа ишлар билан машғул бўлган). Бироқ унга 2019 йил август, сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь ойи иш ҳақи берилмаган. Аниқланган ҳолатлар бўйича туман адлия бўлими томонидан 2019 йил 16 декабрь куни фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига Ф.Қобиловни ишга тиклаш, 3 045 811 сўм иш ҳақи ва унга етказилган 1 000 000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди томонидан "Сувоқова" давлат унитар корхонасида бўлиб ўтган сайёр суд натижасига кўра, даъво ариза қаноатлантирилиб, Сурхондарё вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонасининг 2019 йил 7 августдаги 164-сон буйруғи гайриқонуний, деб топилди. Ф.Қобилов 2019 йил 7 август кунидан бошлаб Сурхондарё вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси Жарқўрғон филиали "Ободгузар" МФЙ ҳудудидаги сув қудуғи насос юритувчиси вазифасига тикланди ҳамда унинг фойдасига мажбурий прогул кунлари учун 3 227 830 сўм иш ҳақи ва маънавий зарар учун 700 000 сўм товон пули ундирилиши таъминланди.

Адлия бўлимининг қонуний кўмаги туфайли Ф.Қобиловнинг меҳнат қилиш билан боғлиқ бузилган ҳуқуқлари адолатли ечим топиб, унинг бу борадаги конституциявий ҳуқуқлари тикланди.

**Ўткир ОРИПОВ,**  
Жарқўрғон туман адлия бўлими бошлиғи

## БУЗИЛГАН УЙЛАРГА КОМПЕНСАЦИЯ ҚАЕРДАН ТЎЛАНАДИ?

**БУЗИЛГАН** бинолар учун тўланиши керак бўлган компенсация масаласида адлия органларига кўп мурожаатлар келиб тушади.



**Ш**унинг учун ҳар бир мурожаат адлия бўлими томонидан фавқулодда ҳолат сифатида қаралиб, компенсация пуллари ундириш учун қонунда белгиланган ваколат доирасидан унумли фойдаланган ҳолда амалий ишлар бажарилапти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 7-бандига кўра, республика жамғармаси ва ҳудудий жамғармаларга тушган маблағлар тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари газначилигида очилган шахсий ҳисоб рақамларида жамғарилиши таъминланмоқда. Етказилган зарарларни қоплаш ҳудудий жамғармалар маблағлари ҳисобидан жамғармалар кузатув кенгашларининг қарорларига асосан тегишли равишда маблағ келиб тушган туман ва шаҳарларга ажратилиши билан кифояланмай, зарур ҳолларда ҳудудий кузатув кенгаши қарори асосида бошқа туман ва шаҳарларга етказилган зарарларни қоплаш учун йўналтирилган маблағлардан ҳам фойдаланиб, 2020 йил январь ойининг ўзида жами 2.385.428.962 сўм пул маблағи ундирилди. Фуқаролар манфаати қаноатлантирилган ҳолда 100 фоизлик товон пули ҳисоб рақамларига ташлаб берилди. Мисол тариқасида олсак, фуқаролар Фозилов Азизбекка 106.950.000 сўм, Каримов Уллубекка 425.335.251 сўм, Абдуқаҳҳаров Абдусатторга 126.142.448 сўм, Абдураззақова Бувробияга 150.627.579 сўм, Тиллабоев Адхамбекка 2 та нотуражой учун 666.819.647 сўм, Машарипов Раҳматга 95.632.000 сўм ва шу каби бошқа бир неча фуқароларга пул маблағлари адлия бўлими томонидан киритилган тақдимномалар асосида ундирилди.

**Назар ҚАРШИБОВ,**  
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

## ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧ ЙЎҚ БЎЛСА, ЭЛЕКТРДАН УЗИБ ҚЎЙИШ МУМКИНИМИ?



**О**ДАТДА электр таъминоти корхоналари деганда кўз ўнгимизга барча иншоотларга, кўчаларимизга, хонадонларимизга ёруғлик, нур тарқатувчи тизим келиши табиий. Афсуски, бу соҳада ҳам ўз ишига масъулиятсиз ёки укувсизлари йўқ эмас. Бухоро шаҳрида яшовчи фуқаро Р.Рустамовнинг яшаб турган уйи "Шаҳар электр таъминот корхонаси" вакиллари томонидан электр таъминотидан ноқонуний узилган. Унинг бундан норози бўлиб қилган мурожаати Бухоро шаҳар ад-

лия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам корхона ходимлари Р.Рустамовнинг уйига келиб, автоматлаштирилган ҳисоблагич ўрнатилиши мажбурийлигини рўқач қилиб, хонадонни электр таъминотидан батамом узиб қўйган. Қонунчиликда эса, электрон ҳисоблагич ўрнатилмаган, деб электр таъминотидан узиб қўйиш мумкин эмас. Шу сабабли шаҳар адлия бўлими томонидан "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамиятига қонун ҳужжат-

ларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Натижада, мурожаатчининг хонадонни электр билан яна таъминланди. Салла деса каллани олиб келадиган, бир қарорни рўқач қилиб, бошқа қарорларни бузганлар энди ўзларига тегишли хулоса чиқарсалар, ажабмас.

**Абдурахимхўжа БАФАЕВ,**  
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи

**2019 ЙИЛ 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан "Қасаба уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди.**

## Қасаба уюшмаларига ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ҲАМ БИРЛАШИШИ МУМКИН



**Т**аъкидлаш жоизки, мазкур Қонун фуқароларнинг қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга ошириш, қасаба уюшмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Илгари тизим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинган бўлиб, Қонунда декларатив характердаги гианак тўғрисидаги амал қилувчи ҳуқуқий нормалар деярли

келтирилмаган эди. "Қасаба уюшмалари тўғрисида"ги янги Қонунни ишлаб чиқишда халқаро ҳуқуқий нормалар, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари, МДХ мамлакатлари, Финляндия, Швеция, Дания ва бошқа ривожланган давлатлар таърибаси, миллий амалиёт ва қонунчилигимиз инобатга олинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенцияларига мос равишда қасаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳамда қасаба уюшмасига бирлашиш имкониятлари кенгайтирилди.

Шунингдек, Қонунга қасаба уюшмалари органларини давлат рўйхатидан ўтказишни содда-лаштириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишда асосий институтлардан бири бўлган қасаба уюшмаларининг меҳнат инспекцияларини қайта тиклаш, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишни тартибга солувчи нормаларни қонуний мустаҳкамлаш каби меъёрлар киритилди. Таъкидлаш зарурки, "Қасаба уюшмалари тўғрисида"ги янги Қонунда фуқароларнинг қасаба

уюшмаларига бирлашиш имконияти кенгайтирилди. Хусусан, ходимларнинг қасаба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ даражасида кенгайтирилди ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига ҳам мос равишда Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқароларининг қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи кўзда тутилди. Шунингдек, янги Қонунга мувофиқ қасаба уюшмалари нафақат корхона-ташкilotларда, балки барча иш ўринларида тузилиши мумкин эканлиги белгилаб қўйилди.

Бу билан Халқаро меҳнат ташкилотининг "Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 87-конвенциянинг нормаси имплементация қилиниб, нафақат битта ташкилотда ишлаётганлар, балки бир нечта ташкилотда ишлаётган ходимларга ҳам ўзаро бирлашиш, қасаба уюшмасини тузиш имкони берилди. Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунда қасаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиши мумкин, деб белгилаб қўйилди. Яъни, энди қасаба уюшмалари томонидан, давлат органлари, балки уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан ҳам жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳуқуқи берилди. **Азамат ХОЛМУМИНОВ,** Навоий шаҳар адлия бўлими бошлиғи

# ЕРДАН НОҚОНУНИЙ ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ: Бу нега оғриққа айланди?

**К**ишилик жамиятининг энг ривожланган даврларида давлат ва одамлар орасидаги муносабатларда ҳамма мана бу тушунча устунлик қилган: "Ер — давлатнинг мулки!". Шунинг учунки, ер дунёдаги энг йирик бойликлардан бири ҳисобланади. Фақат бугина эмас, давлатлар микёсида стратегик аҳамиятга эга сиёсий муносабатлар ҳам ер билан боғлиқ.

Тарихда ундан фойдаланишнинг ҳеч бир имкони бўлмаган музлик ердан воз кечилганининг жабрини ҳали-ҳамон тортаётган, ҳали-ҳамон ўша надоматни бошдан кечириётган давлатларни биламиз. Бир давлат иккинчи бир давлатни босиб олаётган ва бирор жамият пайдо бўлаётган пайтда ҳам ҳамма нарса ер ҳамда ресурс масаласидаги қурашга бориб тақалади. Бу фикрлар нима учун муҳим? Ернинг ҳар бир қаричи давлат, унинг ривож, халқ фаровонлиги, келажақ авлодларга бус-бутун етказилиши масаласи борлиги учун ҳам муҳим. Бизнинг бир энлик тошлоқ тупроғимизда гиёҳ унишини эътиборга олсак, ердан оқилона фойдаланиш давлат сиёсатини ва иқтисодиётини нақадар кучайтиришини инкор этиб бўлмайди.

Аслида, бу тушунчалар мактаб ёшидан ҳар биримизнинг онгимизга синдирилади. Аммо мулкка эгалик масаласидаги ҳар домғи интилиш энг асосий ва зарурий, рад этиб бўлмас тушунчаларни англашимизга кўп ҳолларда йўл бермайди.

## "Снос" нима, ердан ноқонуний фойдаланиш-чи, улар ўртасида боғлиқлик борми?

Яқин бир-икки йилда "снос" масаласида кўп муаммоларга дуч келдик. Бу ерда уйи ёки савдо дўкони бузилган фуқароларнинг ҳақлиги шунда эдики, уларнинг қонуний равишда эгалик қилаётган мулки бузилган ва бунда тегишли ҳужжатларга мувофиқ компенсация тўлиниши шарт эди. Қолаверса, ҳозирги кунда фуқаро ва тадбиркорга қонуний, яъни ҳужжат асосида ажратилган ерни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш жуда мураккаб тартиб асосида амалга оширилади. Бунда, аввало, ер эгасининг розилиги олинади, ҳоким қарори эмас, балки халқ депутатлари кенгашининг қарори асосида, компенсация тўлиқ берилганидан сўнг ер олиб қўйилиши мумкин.

Бу вазият эса кейинги пайтларда ерлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолати билан чалкаштирилётганининг гувоҳи бўлаёلمиз.

Ўртадаги фарқи яхшилаб англаш лозим. Ердан ноқонуний фойдаланган ва ўзбошимчалик билан уй қурган фуқароларда на ерга, на мулкка нисбатан ҳуқуқни берувчи ҳужжатнинг ўзи йўқ. Бундай вазиятда мулкнинг ноқонуний эканлиги кундай равшан эмасми?

Ер ҳоким қарорисиз (ёки бошқа ҳужжатсиз) эгаллаб олинса, "ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш", деб ҳисобланади ва бу қилмиш аввалгига маъмурий, сўнг жиноий жазо билан жазоланади. Агар фуқаро ёки тадбиркор ер участкасини ноқонуний, яъни ҳеч қандай ҳужжатсиз (ҳаттоки ёнидаги бўш турган "ҳеч кимга керак бўлмаган" ерни ҳам) эгаллаб олса, ушбу ер участкаси унинг розилигисиз олиб қўйилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер ҳоким ёки суд қарори билан олиб қўйилади ва ундаги бино бузилади. Ноқонуний эгаллаб олинган ердаги бино учун компенсация берилмайди, аксинча қонунни бузган шахс жаримага тортилади ва у ўз ҳисобидан ерни аввалги ҳолатига қайтариши шарт.



Яна бошқа бир ҳолатларда ер ҳоким қарори билан фуқарога ажратилган, фуқаро уй қурган, орадан вақт ўтиб, ҳоким қарори ноқонуний, деб топилди бекор қилинган бўлиши мумкин. Бунда фуқаро ернинг ноқонуний эгасига ўхшаб қолади. Аммо бундай вазиятда қонунчиликда ечим бор. Чунки бу ҳолатда фуқаро айбдор эмас. "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунда виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқланиши белгиланган. Хўш, бу нимани аналатади? Бунда фуқаро инсофли ердан фойдаланувчи бўлганлиги ва у ҳокимнинг қарорига ишониб уй қурганлиги инобатга олинб, ерни ажратиш тўғрисидаги ҳужжат фақат суд тартибиде бекор қилиниши ҳамда фуқарога давлат томонидан компенсация берилиши шарт. Қандай компенсация белгилаш суд тартибиде ҳал қилинади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, агар фуқаро ер ажратиш тўғрисидаги қарор ноқонунийлигини олдидан билиб туриб (масалан, таниш-билиш ва бошқа ғайриқонуний йўллар билан олинган

ерлар), ушбу ноқонуний қарорга ўзича ишониб ерга уй ёки бошқа иморат қурса, бундай фуқаронинг ишончи қонун билан ҳимоя қилинмайди. Бу масала ҳам судда ҳал бўлади.

Содда қилиб айтганда, ноқонуний равишда ерни эгаллаган ва иморат қурган шахс уйи "снос"га тушиб бузилаётган фуқаро билан бирдек "ҳаққи"ни талаб қилишга ҳақли эмас. Сабабини юқорида тушунтирдик. Аммо қуйидаги каби бир қанча вазиятлар ҳам борки, одамлар орасида тушунмовчиликлар пайдо бўлаёпти:

**Биринчи ҳолат:** кўпчиликда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларга кадастр ҳужжати борлиги учун "бу ер меники", деган фикр пайдо бўлади. Бу хато. Албатта, уларда кадастр йиғма жилди бўлиши мумкин. Аммо бу вазиятда ер фақат ернинг жойлашув схемаси, техник ҳужжатдан иборат бўлади. Яъни, шу ер участкаси ноқонуний бўлса ҳам муайян чегарада жойлашганлигининг ҳисобини юритиш учунгина кадастр ҳужжати берилган бўлади. Бу дегани фуқарога ердан фойдаланувчига шу ерни тасарруф

этиш ёки бошқача тарзда мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини бермайди. Шу сабабдан ҳам бу ерда жойлашган кўчмас мулк бузиб ташланган тақдирда компенсация берилмайди.

**Иккинчи ҳолат:** ер қонуний ажратилган, бироқ улар ўзбошимчалик билан қурилган бўлиши мумкин. Масалан, ер ажратиш тўғрисида ҳоким қарори бор, лекин уй-жой лойиҳасиз, ҳокимлик рухсатисиз ёки архитектура талабларига зид равишда ёхуд кадастрда бор уйдан ташқари қўшимча қурилиш сифатида қурилган. Бироқ улар кадастр ҳужжатига киритилмаган.

Шунинг учун 2016-2017 йилларда республика бўйлаб уй-жойлар бўйича йирик хатлов ўтказилган. Шу хатлов якунига кўра, бир миллионга яқин кўчмас мулк объектилариде кадастр ҳужжатлари мавжуд эмаслиги аниқланган. Уларнинг аксариятида ер қонуний ажратилган. Бироқ фуқароларнинг эътиборсизлиги оқибатида кадастр ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилмаган. Бу ҳолатда жараён тезлашиб ўша йиллар мулк эгаларига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб берилди.

## Ерга мулк сифатида қараш мумкинми?

Иқтисодиёт ва замон ривожланиши шуни талаб қилдики, ерга энди мулк сифатида қарашга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу нима дегани? Илгари ерни сотиш мумкин эмас эди, шунинг учун ерни сотишни истаган одам аввал бино қуриши, атрофини девор билан ўраши, кейин сотиши керак эди.

Шундай вазиятда давлат томонидан фуқароларга яна бир имоният яратилди. Ерларни хусусийлаштириш бўйича 2019 йил 13 августда "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Унга мувофиқ, қуйидаги турдаги ер участкалари хусусийлаштиришга рухсат берилди:

- юридик шахсларга тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар;
- ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектилари жойлашган ер участкалари;
- Ўзбекистон фуқароларига аяка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари;
- бўш турган ер участкалари;
- иқтисодиёт ва саноат вазирилик ҳузурдаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган ер участкалари.

Бу тартиб 2020 йил 1 мартдан кучга киради ҳамда худди мана шундай тартибда хусусийлаштириладиган ерлар мулк сифатида эътироф этилади ва ерни объект сифатида сотиш мумкин бўлади. Бунда ернинг чегаралари белгиланади. Чегаралар кадастр ҳужжатларида кўрсатиб ўтилади.

## Тортишувлар учун асос бўлиши керак

Эгалланган ерга аслида қонуний ҳужжат бўлмаса, бу жойга қанчалик меҳнат сарфланганидан қатъи назар тортишувга ҳеч қандай асос бўлмайди. Ерлардан ноқонуний фойдаланиш ёки самарасиз фойдаланиш, албатта, давлат иқтисодиётига зарар етказиши. Шунинг учун ҳам давлатнинг муайян органлари ер ҳисобини юритиш, ер соҳасидаги қонунбузилишларнинг олдини олиш, ердан фойдаланишни назорат қилиш каби функциялар берилган.

Нима сабабдан ер ҳисобини юритиш зарур? Ҳаммамизга маълум, ер чегараси аниқ белгилаб берилган. Аҳоли сони ўсиши билан эҳтиёжлар ўсади, лекин ер ресурси бошқа кенгаймайди. Ер ости ва ер усти бойликларимиз камайса камаядики, аҳоли сони ошган сари эҳтиёжлар кўпайиб бораверади.

Яна бир ҳақиқат борки, одамлар ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак бўлган органларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш қўрилади ва ҳеч бир ҳужжатсиз ва қонуний асосиз фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг имкони йўқ.

Ижтимоий тармоқларда гувоҳи бўлаётганимиз ер масаласидаги можаролар эса кўпчиликда ҳуқуқий тасаввурнинг йўқлиги сабаб юзага келапти. Бунда давлатнинг асосий талаби ердан самарали фойдаланиш ва мулкка нисбатан қонуний ҳужжатларнинг расмийлаштирилишидир.

## Ердан фойдаланишнинг қонуний йўли қандай?

Бундай вазиятда ердан фойдаланишда одамларга чегара ёки тўсиқ қўйилапти, деган нотўғри хулоса ясамаслик керак. Хўш, ерлардан ноқонуний фойдаланмаслигимиз керак экан, унда бунинг қонуний йўли қандай?

Аукцион орқали. Бунинг учун "Е-йро" сайтидаги ер участкаси сотилаётган менога кирилади. Бунда ер участкаси ҳақида маълумотлар бор. У ерда рўйхатдан ўтилгандан кейин аризага логин-пароль, одатдаги стандарт процедура ва шахсий ҳисоброқам берилади. Шахсий ҳисоброқам пул билан тўлдирилади. Ер участкаси нархининг 50 фоизи микдорда закалат пулини ўтказган ҳолда аукцион савдосида иштирок этиш мумкин.

Аукцион бир кун (9:00 дан 18:00 гача, аукцион чўзилиб кетса 21:00 гача) давом этади. Қадамлар ораси 10 дақиқа этиб белгиланган. 10 дақиқа ичиде кейинги қадам бўлмаган бўлса, сўнгги нарх таклиф этган шахс голиб ҳисобланади. Жами пулни тўлаш учун 5 кун муҳлат берилади. Маблағ тўлиқ тўлангандан кейин автоматик равишда голибга нисбатан баённома расмийлаштирилади ва ҳоким томонидан ерни ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Шу тариқа Кадастр идораси ерга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиб, аукцион голибга реестрдан кўчирма беради.

## Хулоса

Ўртимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 миллион гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи сугориладиган ерлар ҳисобланади. Сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига сугориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 га дан 0,16 га) камайган. Бу унумдор ерларимизни тобора ўйўтаетямиз, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига путур етказаямиз, дегани. Бундай бўлишига сугориладиган ерларга очикчасига қонунни бузган ҳолда кўплаб уйлар қурилгани ҳам таъсир кўрсатган, албатта.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 16,4 миллиони (жами аҳолининг 49,4 фоизи) қишлоқ худудларида истиқомат қилади. Уларнинг иш билан бандлиги, ҳаёт тарзи ва турмуш кечириши ер билан боғлиқ. Қолаверса, бутун мамлакат аҳолисини таъминлаш керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари унумдор ерларни йўқотаетганимиз сабаб камайиб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳам бош қотиришимиз керак.

# Мурожаатнома ҳам раҳбарий, ҳам тарихий АҲАМИЯТГА МОЛИК ҲОДИСА

СўНГГИ йилларда юртимизда таълим соҳасида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилди.

**П**резидентимиз Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатнома-сида мактабга таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислохотлар натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилганлиги, шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилганлигини айтиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Президентимиз ўз мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фани янада раванг топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакл-

лантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йилга "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб ном беришни таклиф этди.

Бу йилдан бошлаб тарихимизда илк бор 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабга таълим муассасалари ҳам бево-сита иштирок этади.

2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблаг ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

Айтиш жоизки, Президентимиз Мурожаатномасида: "Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этишни, мактаб ўқув дастурларини илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиши, таълим йўналишлари ва ўқитиларига қайта қўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш

зарур эканлиги ҳамда кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқиш ва ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради", деб таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг тахсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратимиз, шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камиди 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказиш мақсад қилиб қўйилди.

Шунингдек, Мурожаатномада қизларимиз учун алоҳида грантлар ажратиш юзасидан Хотин-қизлар кўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши таъкидланди.

Президентимиз олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиши, таълим йўналишлари ва ўқитиларига қайта қўриб чиқи-лиши ҳамда мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилишини айтиб ўтди. Бундан ташқари, юртимизда олий таълимда ўқув жараёнини

кредит-модул тизимига ўтказиш ва жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш мuddати 3 йил қилиб белги-ланиши кўзда тутилди.

Мурожаатномада Юртбошимиз олий ўқув юртига босқич-ма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилиши, жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўти-ши, бундан ташқари, камиди 5 та олий таълим муассасасини кон-курс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳла-ри билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бош-лаш ҳақида сўз юритди.

Мурожаатнома ижроси юза-сидан Тошкент давлат юридик университетига ҳам қатор ишлар амалга оширилганлигини айтиш жоиз. Жумладан, университетда "Муносиблар рағбатлантирилади" танлови ўтказилди. Шунинг-дек, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида-ги Судьялар олий мактаби билан Ўзбекистон Республикаси Прези-денти ҳузуридаги Давлат бош-қарув академияси, Ички ишлар вазирлиги, Божхона институти, Жаҳон иқтисодиёти ва диплома-тия университети ҳамда Тошкент давлат юридик университети ўр-тасида ҳамкорлик тўғрисида ме-

морандум имзоланди.

Хулоса ўрнида айтганда, мам-лакатимизда сўнги йилларда таълим тизимида, аниқроғи, олий таълим, қолаверса, халқ таъли-ми, маориф соҳасидаги янгила-нишлар самараси бугун ўзининг кутилган самарасини бермоқда. Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Муро-жаатномаси алоҳида ҳам раҳба-рий, ҳам тарихий аҳамиятга мо-лик ҳодиса бўлди. Шу муносабат билан бугун юртимизда амалга оширилган барча янгилашлар, хусусан, қонунчилик ислохот-ларининг барчаси халқ, миллат манфаатлари учун хизмат қил-моғи бизнинг бу борадаги мақ-садларимизнинг асосий таянчи бўлади, албатта. Зеро, амалга оширилган ва амалга оширили-ши кўзда тутилган таълим соҳа-сидаги қатор ислохотларда ҳар бир таълим соҳасининг ҳиссаси бўлганидек, юридик таълим ти-зимининг ҳам бу борада муносиб хизмати мавжуд, дея таъкидла-сак ўринли бўлади.

**Муассар БАХРИДДИНОВА,**  
**Дурдона КАРИМОВА,**  
**Тошкент давлат юридик**  
**университети Тил ўргатиш**  
**кафедраси катта ўқитувчилари**

## ҲАР БИР ТИЛ ЯШАШГА ҲАҚЛИДИР

2000 ЙИЛДАН бошлаб ҳар йили 21 февраль санаси бутун дунёда Халқаро она тили куни си-фатида нишонланади. 1999 йил 17 ноябрда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган халқаро конференцияда Бангладеш Халқ Республикаси ташаббуси билан жорий этилган, кейинчалик БМТ Бош Ассамблеясининг 56-сессиясида "Кўп тилли-лик" резолюцияси билан мустаҳкамланган ушбу халқаро байрам нишонланишининг ўз тарихи бор.

1947 йилда инглизлар мустамлакасида халос бўлган Ҳиндистон ҳудудидида икки йирик давлат — Ҳиндистон ва Покистон ташкил топди. Бир неча асрдан бери бенгал тилида сўзлашувчи халқлар яшайдиган ҳудуднинг ғарбий қисми Ҳиндистон, шарқий қисми Покистон таркибига киритилди. Мана шундай шароитда 1952 йилнинг 21 фев-раль санасида бир гуруҳ талабалар Дакка шаҳри-да (ҳозирги Бангладеш пойтахти) бенгал тилига давлат тили мақоми берилишини талаб қилиб намоийш ўтказишди. Афсуски, намоийшчилар полицияга томонидан ўққа тутилади. Ўз она тилига давлат тили мақоми берилиши, шу орқали унинг яшаб қолиши, унутилмаслиги, қадди тиклани-ши учун курашган кўлаб талаба ёшлар қурбон бўлади. Аммо уларнинг ордуси армонга айланма-ди. Кўп ўтмай Бангладеш давлат мустақиллиги-ни кўлга киритади ва бенгал тилига давлат тили мақоми берилади.

Ана шу талабаларнинг жасорати ва порлоқ хотираси хурмати 21 февраль Халқаро она тили куни сифатида бутун дунёда нишонланиши йўлга қўйилган.

БМТнинг "Кўп тиллилик" резолюциясида шун-дай дейилади: "БМТ глобал микёсда лингвистик ва маданий хилма-хилликни кўлаб-қувват-лаш, ҳимоя қилиш ва асраш воситаси сифатида кўптилликни тан олади".

Дарҳақиқат, тил нафақат сўзлашув воситаси, балки халқ маданияти ва тарихини кўрсатувчи кўзгу ҳамдир. Ҳар бир тилда болса тилда та-крорланмайдиган ўзига хос жозиба бўлади. Бу ўша тил яратувчиси бўлган халқларнинг тарихан шакланган маданий кадриятлари билан чамбар-час боғлиқ. Шу маънода ҳар бир тил, демакки ҳар бир маданият ва тарих яшашга ҳақли.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунёда 6 мингга яқин тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бу асосан цивилизация, шунингдек, глобаллашув

туфайли маданиятидан йироқлашаётган кам сон-ли халқлар ҳиссасига тўғри келади. Бу тиллар-дан фойдаланадиган аҳоли сони нисоятда кам. Масалан, 357 тилда атиги 50 киши сўзлашса, 46 тилдан фақат биттадан одам фойдаланар экан. Олимларнинг фикрича, тил яшаб қолиши учун унда камиди бир миллион киши сўзлашиши ке-рак. Бироқ бундай тиллар дунёда атиги 250 та.

ЮНЕСКО томонидан нашр этилган "Йўқолиб кетиш хавфи арафасидаги жаҳон тиллари атласи"да Европадаги 50, Тинч океани минтақасидаги 200 тил "хавф остида" экани қайд этилган. Афри-кадаги 1 400 тилдан 900 га яқини бутунлай йўқ-либ кетиши мумкин.

Албатта, ўз она тилини сақлаб қолиш, аввало, ўша халқнинг, инсонларнинг хоҳиш-иродасига, қо-лаверса, ҳар бир давлатда миллий бағрикенглик тамойилларига амал қилинишига боғлиқ.

Мамлакатимизда она тилимиз — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, унинг нуфузини мустаҳкамлаш бўйича ҳуқуқий, илмий ва маънавий асослар яратилгани билан бир қаторда, юртимизда истиқомат қилаётган бошқа халқларнинг урф-одат-лари, дини, кадриятлари-ю тили ҳам ҳурмат қили-ниши кафолатланган. Конституциямизнинг 4-мод-дасида: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз худ-удда истиқомат қилувчи барча миллат ва элпалар-нинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди", деб белгилан қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим етти: ўз-бек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва турк-ман тилларида олиб борилади. Биргина қирғиз тилида таълим берадиган 56 та умумий-ўрта таъ-лим мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда етти мингдан ортқ ўқувчилар ўз она тилларида таъ-лим олиш имконига эгалар.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда бўлганидек дунёнинг бошқа давлатларида ҳам миллий бағрикенглик тамойилига риоя этилиши, барча тиллар бирдек ҳурмат қилиниши лозим. Шундагина ҳар бир халқнинг она тилини — инсо-ният тарихининг маданий хилма-хиллигини асраб қолиш мумкин.

**Назира РАХМАТИЛЛАЕВА,**  
**"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари"**  
**журнали мутахассиси**

## РАҲБАР ВА ХОДИМ ЎРТАСИДА ТУРЛИ МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ ПАЙДО БЎЛСА

— ҲУРМАТЛИ "Инсон ва қонун" газетаси ходимлари! Очиғи, биз-нинг ишонамизда кейинги пайтлари меҳнат қонунчилигига оид айрим кеишмовчиликлар келиб чиқаяпти. Менимча, бу раҳбар ва ходим ўртасидаги келишмовчилик ҳар икки томоннинг ҳам меҳнат ҳуқуқий муносабатларини яхши билмаслик оқибатида пайдо бўл-моқда. Бу борада оддий одамларга тушунарли бўлган бирорта ки-тоб ёки рисолаги тавсия қила олмасизми?

**Комилжон БАРАТОВ,**  
**Янгийўл туман, "Эски қовунчи" ҚФЙ**

— Тўғри, бугунги кунда ҳар бир инсоннинг ҳаётида ва меҳнат фаолиятида меҳнат муносабатларига оид турли низолар учраб туриши сир эмас. Меҳнат низолари — бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжат-лари, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлардир. Бу бо-рада ҳар икки томон ўртасида низолар келиб чиқмаслиги учун иш берувчи ҳам, ходим ҳам баравар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятини яхши тушуниб етишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан меҳнат муно-сабатларида учраб турадиган турли низоларнинг олдини олиш ва барҳам бериш мақсадида "Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар" номли ихчам қўлланма ишлаб чиқилди. Олий суд судьялари Г.Парпиева ва М.Рабиева маъсуллигида нашр этилган ушбу қўлланма устида ишлашда амалий тажрибалар ўрга-нилди. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд амалиёти материал-лари тўпланди. Жамиятимизда учраб турадиган муаммоли маса-ларнинг ечимини ёритиб беришга эътибор қаратилди.

**Агар Сизни:**

- ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш;
- ишга қабул қилишни гаириқонуний равишда рад этишга йўл қўймаслик;
- қариндош-уруғларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қи-лишларини чеклаш;
- ишга қабул қилишда дастлабки синов мuddати;
- меҳнат шартномасини ходимнинг ёки иш берувчининг ташаб-буси билан бекор қилиш асослари каби қатор меҳнат қонунчили-гига оид масалалар қизиктирса, Ўзбекистон Олий суди томонидан ишлаб чиқилган "Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар" номли амалий қўлланмадан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Сиз мазкур қўлланmani мутлоа қилсангиз, ўз иш фаолиятингиз юзасидан қўлаб саволларга жавоб топасиз.

**Саволга Олий суд судьяси**  
**Мухаббат РАБИЕВА жавоб берди.**

# ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛЛАРДА ҲАМ

## давлат хизматлари маркази фаолият олиб боради

**ПРЕЗИДЕНТИ-МИЗНИНГ 2020** йил 31 январдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида бир қатор устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб берилгани давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур Фармонда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш давом эттирилиши кўзда тутилган бўлиб, Агентлик тузилмасида давлат хизматларини рақамлаштириш бошқармаси ҳам ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Унга қўра, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб 10 та давлат хизмати Тошкент шаҳрида фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг расмий веб-сайтлари орқали онлайн форматига ўтказилади. Кейинчалик бу янгиликнинг бошқа ҳудудларга ҳам жорий этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, мазкур Фармонда жисмоний ва юридик шахсларга кенг қамровли, шу жумладан, мобил (сайёр) давлат хизматларини кўрсатиш, фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланишнинг бошланғич кўникмалари бўйича маслаҳатлар бериш, ҳудуд аҳолисини кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳақида мунтазам хабардор қилиш бориш мақсадида ДХМ филиалларини шаҳар, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллаларда босқичма-босқич ташкил этиш кўзда тутилган.

Шу мақсадда Тошкент вилоятида 22 та давлат хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Бугун олис қишлоқларда марказларимизнинг 3 та филиали ташкил этилган бўлиб, келгусида янги филиаллар очиб режалаштирилган. Марказларимиз томонидан 2019 йилда 1 миллионга яқин давлат хизматлари кўрсатилди.

Бундан ташқари, Фармонда 2020 йил 1 майга қадар талаб энг юқори бўлган электрон давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган мобил илованинг тўлиқ шаклини жорий этиш ва кейинчалик тизимли асосда такомиллаштириб боришни таъминлаш кўзда тутилган. Давлат хизматларини аҳоли гавжум бўлган ва жамоат жойларида, яъни диний

муассасалар, аэропортлар, вокзаллар, метро бекатлари, савдо-кўнгилочар комплексларида ўрнатиладиган интерактив инфокиосклар орқали ўзига-ўзи хизмат қилиш тамойили асосида кўрсатиш тартибини жорий этиш ҳам белгилаб қўйилди. Бу хизмат турлари эса, 2021 йил 1 январдан бошлаб амалиётга жорий этилади.

Шунингдек, давлат органлари томонидан фуқаролардан судланганлик, манзил-маълумот ҳақидаги маълумотнинг талаб қилиниши аҳолига қўшимча

оворагарчилик ва ноқулайликлар туғдирмоқда. Шу сабаб, 2020 йил 1 сентябрга қадар фуқародан розилик олган ҳолда давлат органлари томонидан идоралараро, шу жумладан, электрон ҳамкорлик ҳисобига фуқарон судланганлик ва манзил-маълумот ҳақидаги маълумотномани талаб қилиш тартибини бекор қилиш режалаштирилмоқда. Бу эса давлат хизматларини кўрсатишда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиши ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга катта ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, мазкур Фармоннинг ижроси жойларда аҳолига тез, қулай ва сифатли давлат хизматларини ташкил этишга, одамлар мушқулини осон қилишга, дарду қувончига шерик бўлишга ҳамда соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

**Шерзод РАЖАБОВ,**  
Давлат хизматлари Агентлиги  
Тошкент вилоят бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари

**ХОРАЗМ** вилоят адлия бошқармасига келиб тушган мурожаатлар юзасидан ўтказилган текширишлар 1343 нафар фуқаро ҳақ эканлигини кўрсатди. Ушбу ўрганишлар давомида 556 нафар фуқаронинг талаби тўлиқ қаноатлантирилди, 460 нафар фуқарога масаланинг мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий ечимини чоралари тушунтирилди.

## ТАДБИРКОР ТАЛАБНИ БАЖАРГАН

### наббат банкка келганда ишлар чаппасига кетди

**Ч**етдан туриб ўрганилган мурожаатлар аксарият ҳолларда адолат, ҳақиқат ва қонунийликни юзага чиқармайди. Шу боис, бошқармага келиб тушаётган ариза ва шикоятлар фуқароларнинг иштироки таъминланган ҳолда ёки сайёр қабуллар, оммавий мулоқотлар, юзма-юз учрашувларда кўриб чиқилмоқда. Сайёр қабуллар вақтида олинган 404 та мурожаатнинг 293 таси ёки 72,5 фоизи ўз тасдиғини топди. Бевоқиф шикоятчи ҳамда аризачилар истиқомат қилаётган жойлардаги шаҳар ва туман адлия бўлимлари ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида эса қаноатлантирилган мурожаатлар қарийб 90 фоизини ташкил этади.

Мурожаатларни ўрганиш натижасида 28 нафар масъул ва мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 66 та маҳкамага тегишли мазмунда тақдимнома йўлланди. Ўтказилган моддий ва маънавий зарарини қоплаш бўйича суд органларига умумий қиймати 3,3 миллиард сўмлик даъво аризаси юборилди. Суд ҳўжатларида мувофиқ ундирилган ялпи пул миқдори 2,9 миллиард сўмни ташкил этади.

Ихтимойи турмушининг қатор муҳим масала ҳамда муаммоларига бориб тақалувчи мурожаатлар адлия бошқармаси ходимларининг фаол ҳаракати туфайли ижобий ечим топмоқда. Ана шундай ўрганишларнинг бирида хивалик фуқаро М.Юсуповнинг шикояти қонуний ечимини топди. Аён бўлишича, Хива шаҳар ҳўкимлиги мутасаддиларининг кўрсатмасига асосан унга қарашли тураржой биносини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган. Бироқ бузилган уй учун фуқарога ер участкаси ажратиб берилмаган. Шикоятчининг сўрови ад-

лия ходимлари аралашуви билан тўла қаноатлантирилди. Шаҳар ҳўкимининг 2019 йил 4 декабрдаги қарорига биноан М.Юсуповга бузилган иморати учун "Ангариқ" маҳалласи ҳудудидан 400 м<sup>2</sup> ер майдойни ажратиб берилди.

Шунингдек, Гурлан тумани "Бўзқалъа" маҳалласида истиқомат қилувчи М.Шомуродовнинг моддий ёрдам юзасидан қилган мурожаати ҳам пайсалга солиб келинган. Адлия аралашган, фуқаронинг талаби қонуний ечим топди. Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги комиссиянинг 2019 йил 18 декабрдаги ҳулосасига мувофиқ, М.Шомуродовнинг кам таъминланган оиласига шу йил 1 январдан эътиборан нафақа тайинланди.

"Микрокредитбанк"нинг вилоят бўлимида ҳукм суриб келган қинғирлиқнинг жабрини эса "Худойшўкур Оллабаерган заргар" хусусий корхонаси раҳбари Т.Оллабаерганов тортиди. У 2013 йилнинг апрель ойида бир қатор савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини 502,4 миллион сўмга сотиб олиш юзасидан тузилган лизинг шартномаси талабларини 2018 йил апрель ойида узил-кесил адо этди. Бошқача айтганда, мазкур шохобчаларга тўла эғалик ҳўқуқини қўлга киритди. Тадбиркор-ку шартнома талабларини охиригача адо этди, лекин мажбуриятни бажариш навбати банкка етганида, ишлар чаппасига кетди. Қоидага қўра, лизинг асосида

харид қилинган шохобчаларга эғалик ҳўқуқини берувчи ҳўжатларни тадбиркорга тақдим этишдан узоқ вақтгача бош тортиб келишди. Оқибатда, адлия ходимлари аралашуви билан харид қилинган бино ва ишоотларга тааллуқли ҳўжатлар банк томонидан Т.Оллабаергановга тақдим этилди.

Ўтган йил давомида вилоят адлия бошқармасига келиб тушган 1343 та мурожаатнинг 729 таси инсон ҳўқуқларига оиддир. Ариза ва шикоятларнинг таҳлили ушбу мурожаатларнинг қарийб 40 фоизга яқини меҳнат низосларига дахлдор эканлигини кўрсатди. Мазкур мурожаатларда меҳнат муносабатлари бўйича зикр этилган қонунбузарлик ҳўлатларига зудлик билан барҳам берилди.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд камчиликларни қонун доирасида бемалол бартараф этиш лозим. Бъэзи мутасаддиларнинг бепарволиги сабаб фуқароларнинг шикоятлари қўпаяверади. Асосий эътиборни муаммонинг туб илдизига қаратмоқ лозим. Бошқарма томонидан олиб борилаётган турли тадбирлар ва раҳбар идораларга йўлланмаётган мурожаатларда масаланинг бу жиҳати эътибор марказига қўйилаёпти.

**Ойбек МАШАРИПОВ,**  
Хоразм вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи

## ЎЗГАЛАРНИНГ ЛОҚАЙДЛИГИ

### БИЗГА ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

**АҲОЛИГА** давлат хизматлари кўрсатиш натижасида, фуқароларнинг аввалгидек овора бўлишлари, хафталаб, ойлаб керак бўлса, йиллаб давлат ташкилотларининг эшигини қоқишлари, ортиқча кетадиган вақт ва сарф-харажатларнинг олди олинди. Шундай бўлишига қарамасдан аҳоли мурожаатларини ўрганиши пайсалга солаётган айрим давлат ташкилотлари ҳам учраб турибди.

Давлат хизматлари Агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилиши устидан назорат қилиш бўлими томонидан ушбу масалада ўрганишлар олиб борилди. 2019 йил мобайнида жами 4559 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Ушбу ҳўлатларнинг аксарияти мурожаатчилар аризаларини кўриб чиқиш мўддатини қўпол тарзда бузилганлигидир. Бундай ҳўқуқбузарликлар 3 312 тани ташкил қилади. Бундан ташқари, 1147 та тўғридан-тўғри давлат хизматларини кўрсатиш 30 та мурожаатни асосис рад этиш, 22 та ортиқча ҳўжатларни талаб қилиш, 6 та ваколатли органнинг қонуний талабларини бажармаслик ва 42 та бошқа турдаги қонунбузилиш ҳолати содир этилганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳўлатларига нисбатан Давлат хизматлари Агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси томонидан судларга 49 та тақдимнома киритилган. Шунингдек, 214 та маъмурий баённома расмийлаштирилган, 171 та огоҳнома киритилган. Киритилган таъсир чоралари натижасида 19 нафар мансабдор шахс интизомий жазага тортилган. 216 нафар шахс маъмурий, 1 нафари эса жиноий жавобгарликка тортилган. 3 нафар шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Энг кўп қонунбузилиш кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳўқуқини эътироф этиш бўйича кўрсатиладиган хизматда содир этилган ва бу 2469 тани ташкил этади. Мўҳандислик коммуникация тизимларига улаш 1192 та, қурилиши тугалланган (реконструкция қилинган) объектни фойдаланишга қабул қилиш 291 та, болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш 215 та, ишсизлик нафақасини тайинлаш 58 та, биноларга, ишоотга, қўл йиллик дарахтларга бўлган ҳўқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бериш 96 та ва ана бошқа турдаги хизматлар бўйича қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Шу ўринда, бугунги кунда марказлар томонидан аҳолига сифатли, тезкор, қулай ва шаффоф давлат хизматлари кўрсатилаётган бир вақтда баъзи мутасадди давлат ташкилотларининг хизмат кўрсатиш тизимида бундай қонунбузилиш ҳўлатлари содир этилиши шу ташкилотга, айниқса, марказларга нисбатан аҳолининг норозилик кайфияти уйғонишига сабаб бўлмоқда. Ҳар бир давлат ташкилоти ўз ишига виждонан ёндашса, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимида тезкорлик ва шаффофликни жорий қилса, албатта, бу ташкилот халқ эътирофига сазовор бўлади. Бу эса, фуқароларнинг бугундиган рози, эртани кунига нисбатан ишонч билан яшашларида муҳим ўринни эгаллайди.

**Умиджон ҲАКИМОВ,**  
Давлат хизматлари Агентлиги  
Бухоро вилоят бошқармаси масъул ходими

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ** Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида сўнги 3 йилда 1989 нафар, 2019 йилнинг ўзида эса 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганини таъкидлаб, бунинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиз сифатида баҳолади.

**Ш**у маънода айтганда, яқунланган йилда оқланиб, юзи ёруғ бўлган инсонлар орасида Риштон туманидаги 27-умумтаълим мактабида ишлаб, нафақага чиққан ўқитувчи Турсунхўжа Абдурахмонов ҳам бор. Энг эътиборлиси, Т.Абдурахмонов оз эмас, нақд 25 йилдан сўнг оқланди.



## 25 йил ўтиб оқланди

Хўш, у қайси хатти-ҳаракати учун айбланган эди?

Жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят судининг кассация суди мажлисида аён бўлишича, Турсунхўжа Абдурахмонов 1994 йилда тумандаги 27-умумтаълим мактабида илмий бўлим мудири вазифасида ишлаган вақтда иш ҳақи кам бўлгани сабабли салоҳиятли ўқитувчилар ишдан бўшаб кетиш фикрини билдиришган. Шундан сўнг мактабнинг 84 нафар ўқитувчилари номидан олийк маошлари оширилишини сўраб, Ўзбекистон Республикаси Президенти номига мурожаат йўллашган. Аммо бунга жавобан илмий бўлим мудирига тазйиқлар бошланган. Яъни, ўша йил 12 август куни Фаргона вилоят ИИБ бошлиғи уни ўз хонасига чақириб, қаматиб юбориш билан кўрkitган. Бошлик айтганидек, 1994 йил 15 август куни Т.Абдурахмоновнинг яшаш хонадонига вилоят ва туман ИИБ ходимлари жамоатчилиги вакиллари иштиро-

кида тинтув ўтказиш учун келишган. "Меҳмон"лар домлага чет элда ишлаб чиқарилган ёзув машинкасида варақалар тайёрлаб, кўпайтираётганини асос қилиб келтирилган. Аввалига хонадон соҳиби келтирилган айбловни инкор этган. Қолаверса, прокурор санкцияси бор-йўқлигини сўраган. Бироқ унинг бу талаби инobatга олинмай тинтув ўтказилган. Оқибатда, яшаш уйи залидаги диваннинг ёстиғи остидан бир дона ўқ-отар қуроли, шунингдек, дераза тоқчасидан 41 грамм кўкнори бошоқлари топилган.

Шундан кейин Турсунхўжа ака қамоққа олинган. Қамоқда ўтирганида эса соғлиги ёмонлашгани ва оила аъзоларининг тинчлигини ўйлаб, тазйиқ остида гиёҳвандлик воситасини уйда сақлагани ҳақидаги айбловга қисман иқроор бўлиб, тегишли хужжатларга имзо чеккан. Тергов-суриштирув жараёнлари яқунлангач, жиноят иши Бағдод туман судида кўриб чиқилган.

Натижада суднинг 1994 йил 20 декабрдаги ҳукмига бинoан, у Жиноят кодексининг (1959 йил тахриридаги) 210-моддаси, 1-қисми, 216-моддаси, 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этилган. Лекин суд кодексининг 23-моддасини қўллаб, судланувчини суд залидан озод қилган ва у мажбурий меҳнатга жалб этилган.

Албатта, ўзига нисбатан қилинган ноҳақлик йиллар ўтса-да, Т.Абдурахмоновга тинчлик бермасди. Президент ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширила бошлангач, унда ҳам умид пайдо бўлди. Қолаверса, Турсунхўжа ака 2019 йил 15 сентябрь куни Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган халқроқ хунармандчилик фестивалига ташрифи мобайнида Президентимиз билан учрашиб, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлди. Пировардида, ҳимоячиси билан бирга, жиноят

ишлари бўйича Фаргона вилоят судига кассация шикояти билан мурожаат қилди.

Жиноят ишлари кассация инстанциясида кўриш жараёнида дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аён бўлди. Жумладан, ўша пайтда гувоҳлик берган М.Аҳмедов, К.Саидов, Н.Кутбидинов, Н.Мирсолиев, Г.Эргашев, Х.Аҳмедов ва М.Ҳасановлар Т.Абдурахмоновнинг уйдан ўқотар қурол ва гиёҳвандлик воситаси топилиши ишончсиз эканлиги ҳақида кўрсатув беришган бўлса-да, суд бу вақтларни атрофлича текширмаган ҳамда ҳуқуқий баҳо бермаган.

Бундан ташқари, вилоят ва туман ИИБ ходимлари томонидан Т.Абдурахмоновнинг уйда кўздан кечириш ўтказилгани ҳақида баённома расмийлаштирилган бўлса-да, аслида Жиноят-процессуал кодексининг (1959 йил тахриридаги) 161-моддасида белгиланган кўздан кечириш ҳаракатлари эмас, балки 150-моддасида назарда тутилган тинтув ҳаракатлари ўтказилган. Тинтув ҳаракатлари эса прокурор санкцияси билан ўтказилиши шарт эди. Шунингдек, тинтув ҳаракатларида Бағдод туман ИИБ ходими (сантехник) А.Ақбаровнинг ҳолис сифатида иштирок этиши қонунга зиддир.

Жиноят-процессуал кодексининг (1959 йил тахриридаги) 318-моддасида суриштирув ишлари, дастлабки ва суд терови тўлиқсиз ҳамда бир томонлама бўлиб боришгани, суд ҳулослари ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос эмаслиги, жиноят-процессуал кодекси нормаларининг қўпол равишда бузилиши ҳукми бекор қилиш учун асос бўлиши белгиланган. Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят суди Бағдод туман судининг 1994 йил 20 декабрдаги ҳукмини бекор қилиб, Турсунхўжа Абдурахмоновни айбсиз деб топиб, оқлади.

Мана шу тариқа асоссиз айбланган ўқитувчининг юзи ёруғ бўлди. Албатта, айна пайтда судлар фаолиятдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, давлатимиз раҳбарининг судлар олдига қўйган адолатни қарор топтириш, ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариш вазифаси бугун ўз самарасини бермоқда.

Айна пайтда қаҳрамонимиз "Нуроний" жағмармаси туман бўлимини бошқармоқда.

**Раҳматжон АРАПОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Фаргона вилоят суди судьяси,  
**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
журналист

## Газ баллони олиш қийинми?

**ҚИШНИНГ** совуқ кунларида учун ҳам қадрлидир. Шундай вақтларда эҳтиёжи бор бўлган аҳолини маиший газ баллони билан таъминлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланиши керак.

**Ж**орий йилнинг 11 декабрь куни Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Х.Сабилов томонидан Тўрақўрғон туманининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Зарбдор маҳалласи Мозор кўҳна гузарига ўтказилган сайёр қабулида маиший газ баллон билан таъминлашда амалий ёрдам бериш бўйича 15 та мурожаат қабул қилинди.

Ўрганиш жараёнида аниқланишича, бу фуқаролар маиший газ баллони сўраб, Тўрақўрғон туман газ филиалига бир неча бор мурожаат қилишган, лекин натижа бўлмаган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги 646-сон қарори билан тасдиқланган "Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун султирилган углеводород газини етказиб бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 16-бандида газ таъминоти ташкилоти истеъмолчининг аризаси асосида унинг балансида бўлган маиший газ баллонини тўлов ундирмасдан вақтинча фойдаланишга бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса ундан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш мажбуриятини олади, деб белгиланган. Ушбу Низомнинг 17-бандида эса истеъмолчиларга маиший газ баллонини



вақтинча фойдаланиш учун етказиб бериш имкониятини кўриб чиқиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

аҳоли учун:

— истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига маиший газ баллони бериш ҳақидаги аризани ёзма ёки электрон шаклда паспорт нусхаси ва ўзини ўзи бошқариш органидан берилган яшовчилар сонини тасдиқлайдиган маълумотнома илова қилинган ҳолда тақдим этади, берилган ариза уч йил кўни мобайнида газ таъминоти ташкилотининг мутахассислари томонидан жойига чиқиб султирилган газ билан таъминланганлик ва овақат тайёрлаш учун газдан фойдаланувчи ускунанинг мавжудлиги жиҳатидан ўрганилади, ўрганиш яқунлари бўйича далолатнома тузилади ва газ таъминоти ташкилоти томонидан битта истеъмолчига бир дона газ баллони етказиб берилади.

15 нафар фуқаро Тўрақўрғон туман газ филиали масъул ходимлари маиший газ баллони билан таъминланди.

**Шаҳзода АБДУЛЛАЕВА,**  
Тўрақўрғон туман адлия бўлими етакчи  
маслаҳатчиси

## Қоғозда бору, амалда йўқ... БУ НИМАСИ?

ҚОРОВУЛБОЗОР туман Ахборот-ресурс марказида ишловчи бир гуруҳ фуқаролар Қоровулбозор туман адлия бўлими бошлиғининг шахсий қабулида бўлиб, туман Ахборот-ресурс маркази тугатилганлиги, лекин уларга берилган огоҳлантириш хатида кўрсатилган қўшимча тўловлар тўланмай қолганлигидан норози бўлиб мурожаат қилишган.

Бўлим бошлиғи томонидан вазият ўрганиб чиқилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман Халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди. Натижада Меҳнат кодексининг 67-моддасида моддий мадад бериш учун белгиланган қўшимча кафолатлар тўлаб берилиши ҳамда Ахборот-ресурс марказида ишлаган 9 нафар фуқаро фойдасига 23,5 миллион сўмдан ортқ иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилиши таъминланди.

**Миршод ПўЛАТОВ,**  
Қоровулбозор туман адлия бўлими бошлиғи

## Шўрчилик муаллима адолатсизликка учраганди...




туғиш таътили учун ҳисобланган пул ҳамда 446 000 сўм миқдорда бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тўлаб берилиб, мурожаат тўлиқ қаноатлантирилди.

**Суннатилло АБДУРАСУЛОВ,**  
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

# Ўнинчи марта суд ҚОРА КУРСИСИГА ЎТИРГАН АЁЛ

ЎЗБЕК аёли, деганда барчамизнинг кўз ўнгимизда энг мунис ва энг меҳрибон инсон, садоқатли оила бекаси, жами эзгуликлар яратувчиси намоян бўлади. Чунки аёл сиймосида ОНА тимсоли мужассам.

**А**ммо аёлниң виждон-сизлиги, масъулиятсизлиги, эътиборсизлиги нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳам яхши тушунаемиз. Ва худди шу ўринда аёлниң юқоридаги фазиллату сифатларига қарама-қарши бўлган қиёфаси ҳам борлигини инкор эта олмаймиз. Замондошларимиз орасида аёл — оналикдан маҳрум қилинган тошбағир, фарзандфуруш, аёл — товламачи, фирибгар, гиёҳванд, порахўр, хавфли рецидивист, аёл — ахлоқ кўчаларидан узоқлашган хиёнаткор, аёл — жиноятчи, деган тавқи лаънатларга лойиқ хотин-қизлар ҳам афсуски бугун кўпайиб кетди.



Бугун жамиятдаги оғриқли нуқталарнинг янада катталашаётганлигига аёлларимизнинг айнан ана шу қирқдорлига сабабчи эмасмикан, деб ўйланиб қоламиз.

Холида Ботирова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ёши бир жойга бориб қолганига қарамасдан фирибгарлиқни ўзига қасб қилиб олган бети қаттиқ аёллардан бири. Беш фарзанднинг онаси бир эмас, икки эмас, ўнинчи марта суднинг қора курсисига ўтиришдан ор қилмайдиган даражага қандай етди, деб ўйлаётгандирсиз. Ҳа, бу аёл биринчи марта жиноят кўчасига кирганида ҳам ёш эмас эди. 2009 йилда жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг ажримига асосан Жиноят кодексининг 166-моддаси, 3-қисми, "а" банди ва 127-моддаси, 3-қисми билан қиртилган жиноят иши 2008 йил 28 августдаги Амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган эди. Бу инсонпарварликни қадрига етмаган Х. Ботирова орадан бор-йўғи икки ой ўтар-ўтмас, яна жиноят содир этиб, яна оналиги, аёллиги учун Жиноят кодексининг 166-моддаси, 1-қисми билан қиртилган жиноят иши Амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилди.

Урганган кўнгил ўртасида қўямас, деганлари рост экан. Орадан икки йил ўтиб, 2011 йилда содир этган жинояти учун жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг ҳукмига қўра, Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли, деб топилди, 5 йилга 4 ой 3 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланган.

Худди шундай у 2012 йил, 2013, 2015, 2018, 2019 йилларда қайта-қайта жиноятлар содир этишни давом эттирган, ҳар қал аёллиги учун Амнистия актига қўра озод қилиниб, тўри йўлга кириши учун бир неча бор имконият берилган. Аммо унга кўрсатилган марҳаматлар самарасиз кетган. Бу аёлга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам, озодликдан чеклаш жазоси ҳам, ахлоқ зуғатиш ишлари ва катта миқдордаги жарима жазолари ҳам асло кор қилмасдан, фирибгарлик түри уни ўз домига тортиб, янги жиноятлар сари етаклайверган.

Холида Ботированиң бу галги, яъни ўнинчи жиноят тарихи эса қуйидагича: Навоий вилоят ҳокимлиги ариза ва шикоятлар қабулҳонасига тадбиркорлик қилиш учун ер сўраб мурожаат қилиш мақсадида борган Х.Ботирова қабулҳонада навбатда турган содда аёл — Мастура Турдимова билан танишиб қолади. М.Турдимова қизларини ишга жойлаштиришга ёрдам сўраб келганлиги ҳақида гапириб, фирибгарнинг ўлжасига айланади, қолади. Ишонувчан аёлнинг гўл-лигидан фойдаланиб, вилоят ҳокимлигидаги мансабдор танишлари орқали Навоий кон-металлургия комбинатида ишга киритиб қўйиш ҳақидаги эртагига уни ишонтириб, ўзаро телефон алмашадилар. Қабулдан чиқиб, тўғри Навоий шаҳар ҳокимлиги биноси томон йўл оладилар. Чунки устасифаранг фирибгар йўл-йўлакай Мастурага жияни яқинда шаҳарга ҳоким этиб таъинланганлигини мақтаниб, ҳокимликка кириб чиққач, амалдор "жияни" қизларини ишга жойлаштириш масаласида ёрдам беришини айтганлигини билдириб, ўлжани маҳкамроқ ушлаш йўллари

топганидан хурсанд бўлади. Унга ишонган содда аёл эса айтилган пуллари фоизга бўлса ҳам топиб беришга ҳаракат қилишини, нима бўлса ҳам қизларини тезроқ ишга жойлаштириб беришини сўрайди.

Орадан кўп вақт ўтмай, айтилган пуллари тайёрлаган М.Турдимова унга кўнғироқ қилиб, вилоят ҳокимлиги биноси қаршисидаги Алишер Навоий номили истироҳат боғида Х.Ботирова билан учрашишга келишади. Унга 2 минг АҚШ доллари ва тилла узуги ҳамда зирагини бериб, салкам 20 миллион пули билан фирибгарнинг тузоғига тушганлигини билмайди. Аслида, бу аёлнинг ҳеч қандай таниши йўқлиги, пуллари кўлга киритиш учун ўйлаб топилган найранг эканлигидан беҳабар М.Турдимова пуллари унга бериб, қизларини ишга жойлаштиришини узоқ кутади...

Ўзилган иш эса ҳеч қачон яхшилик билан тугамаслиги аниқ. Бу иш ҳам хайрли яқун топмади. Фирибгар аёл эса ўзганинғ мурчини ва мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин кўлга киритишда айбдор, деб топилди.

Холида Ботированинғ навбатдаги қилмишлари жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судида кўриб чиқилди. Суд мажлисида унинг ўталмай қолган қатор жиноятлари, сочлари оқ пенсионер аёлнинг жамиятга, оиласига, яқинларига, аτροφдагиларга етказибётган моддий ва маънавий зарари, она бўла туриб, фарзандларига ўрнат қўйиш ўрнига, улар олдига юзи шувут бўлганлиги ҳақидаги фикрлар билдирилди. Узоқ музокаралардан сўнг одил суд яна адолатли ҳукор қабул қилди. Аввалги ўталмай қолган жиноятлари, янги жиноятлари, зарарни тўлиқ қоплаганлиги, кекса ёшдаги аёллигини, ҳамма-ҳаммасини инобатта олиб, унга жиноят ишлари бўйича Қонимех туман судининг 2018 йил 6 декабрдаги ҳукми билан таъинланган, ўталмай қолган 7 ой 15 кун озодликдан чеклаш жазосини қисман қўйиш йўли билан бирга узил-кесил 8 миллион 612 минг сўм жарима ва 3 йилга 6 ой муддатга озодликдан чеклаш жазолари таъинланди, маълум чекловлар белгиланди. Шу билан бирга унга ўрнатилган тақиқлар, чекловларни бузган тақдирда, унга қўлланилган жазо оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида оғохлантирилди.

Зора, ўнинчи марта суднинг қора курсисига ўтирган бу аёлга инсоф қирса, ўз хатоларини тушуна. Нима бўлганда ҳам, фирибгар аёл кексалик гаштини суриш ўрнига, умрини темир панжара ортида ўтказмасин. Фирибгарларнинг ногорасида ўйнаб, уларнинг қопқонига илинган айрим содда замондошларимиз эса меҳнат қилиб топган ҳалол пуллариини олғич ва ўғри-каззобларга ўз қўллари билан бериб, уларни ололмай, дод-вой қилиб қолмасликлари учун сал хушёрроқ бўлсалар ёмон бўлмасди.

**Шерзод МАМИРОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди раиси,**  
**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ҲАР ИШНИНГ ЖАВОБИ БОР...

ОДАМЛАР орасида табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви ва бошқа манбалардан фойдаланиб, пулини тўламайдиганлар, фарзандига алимент тўламай суднинг ҳал қилув қароридан қочиб юрадиган қўштироқ ичидаги оталар йўқ эмас.

Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бугун ана шу камчиликларга қарши мурасасиз иш олиб бормоқда.

— Аҳолининг бу борадаги тушунчаси анча ўзгарди, деб ўйлайман. — дейди Самарқанд вилоят МИБ бошлиғи Алишер Зокиров. — Зеро, муҳтарам Президентимиз яқинда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида демократик тамойилларда қураётган ҳаётимизнинг бош негизи ҳалоллик, деб қайд этдилар. Шу туфайли бугун бизнинг ходимларимиз биринчи навбатда ҳалоллик билан ишлашни ўз олдларига олий мақсад қилиб қўйдилар.

2019 йилда вилоятда энергия ресурслари ва маиший чиқиндилардан тозалаш хизматлари учун истеъмолчилар томонидан жами 1 триллион 619.5 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди. Электр энергияси учун 953.6 миллиард сўм ундирилиб, ўтган йилгига нисбатан 29 фоиз, табиий газ учун 644.2 миллиард сўм ундирилиб, ўтган йилгига нисбатан 33 фоиз кўп маблағ ундирилган. Яқинда Мажбурий ижро бюросининг Самарқанд вилоят бошқармаси, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ҳамкорлигида табиий газ тармоқлариноқонуний улаиш ҳолатларини аниқлаш ва фош этишга қаратилган тезкор тадбир жараёнида Пастдаргом туманидаги "Чортут" маҳалласида 8.6 сотих ер майдонида иссохона ташкил этган "Санжар" исмли тадбиркорнинг "Туркман" маҳалласи ҳудудидан ўтувчи ўрта босимли газ қувурига пинҳона равишда ноқонуний улаиш, давлатга 174 миллион 878 минг сўмлик зарар етказганлиги аниқланди. С.Ҳожиматовга нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси, 4-қисми, "а" банди билан жиноят иши қўзғатилган. Айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари ва уларнинг масъул ходимларининг хатти-ҳаракатини қандай баҳолашни билмайсан киши.

Нарпай туман электр таъминоти корхонаси истеъмолчиларинг шахсий ҳисоб варақасига киритган тўловларнинг қонунийлиги ўрганилганда 2018-2019 йиллар давомида ушбу корхона раҳбари ва унинг бир гуруҳ ходимлари корхонанинг ҳисоб рақамидаги 499.1 миллион сўм миқдордаги пул маблағларини ҳудудда жойлашган 123 та корхона ва ташкилотларнинг "электр ҳисоб" дастуридаги шахсий ҳисоб рақамларига ҳеч қандай ҳужжат ва асосиз ўтказиб бериб, ушбу ноқонуний ўтказилган маблағлар эвазига нақд пул олиб, олинган пуллари белгиланган тартибда электр таъминоти корхонасига кирим қилмасдан ва банк кассасига топширмасдан ўлаштириб юборганлиги аниқланди. Айни пайтда Нарпай туман электр тармоқлари корхонаси ходимларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Файласуфлардан бирининг ажойиб бир гапи бор: "Ота бўлиш осон, лекин оталик қилиш қийин". Фуқаролик ишлари бўйича Тошлоқ туманларо судининг қарорига мувофиқ қарздор (исм-шарифлар ўзгартирилган) А.Солиевдан ундирувчи Л.Эшматова фойдасига воёга етмаган 2 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойдаги иш ҳақи ва барча даромадларининг учдан бир қисми миқдоридида алимент ундирити белгиланганди. Қарздорнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган эди. Лекин унинг ижро ҳужжатида кўрсатилган манзилда йўқлиги аниқлангандан кейин қарздорга нисбатан қидирув эълон қилинди. Олиб борилган қидирув натижасида А.Солиев Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида яшаб юрганлиги, бир неча бор расмий оғохлан-тирилган бўлишига қарамай, 96 миллион 356 минг сўмлик қарзларини тўлашдан бўйин товлаб келганлиги сабабли Ургут туман маъмурий судининг қарорига биноан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси билан айбланди. Шунингдек, иштихонлик Б.Ҳамроев ҳам турмуш ўртоғи Л.Азизовига фарзанди учун алимент тўламаганлиги учун илгари 15 сутка камалган. Жазо муддатини ўтагандан кейин ҳам у ўзига хулоса чиқармай, 38 миллион 278 минг сўм алимент пули тўламаганлиги туфайли унга Жиноят кодексининг 122-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмақда.

Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиал ходими Б.Алиев ўзига берилган ваколатдан фараз мақсадларда фойдаланиб, ноқонуний даромад олиш мақсадида Самарқанд туман "Кўйтуркман" маҳалласида яшовчи Ф.Эннинг хонадонига бориб, хонадонда фаолият кўрсатаётган новвойхонада табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келаётганлигини аниқлаб, тегишли тартибда ҳужжатни расмийлаштириш ўрнига фуқаро Ф.Эннинг "агарда қонуний иш кўрсатганда 5 миллион сўм пул тўлайсан, ундан қўра менга нақд 2 миллион сўм берсанг, ҳамма ишни босди-босди қиламан", деб новвойдан 2 миллион сўм талаб қилган. Самарқанд давоми бундан қизиқ, новвой Ф.Эн Мажбурий ижро бюроси Самарқанд бўлимига фирибгарга чора қўришни сўраб мурожаат қилгандан сўнг бундан хабар топган таъмағир жавобгарликдан қочиш мақсадида Ф.Эннинг жиянига амакисидан ўз аризасини қайтиб олишни илтимос қилиб, эвазига 200 АҚШ доллари пора беришни ваъда қилган. Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали 2-участка ходими Б.Алиевга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмақда.

Қонунни ҳурмат қилиб, унга бўйсуниб яшаш бурчимиз. Бунда эса МИБ ходимларининг хизмати алоҳида.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 31 январдаги 5-А-ум-сонли бўйруғига асосан Янгийўл шаҳрида жойлашган "Оклар Адвокс" адвокатлик бюроси раҳбари Ҳуманов Акбар Хасановичга бошқарма томонидан 2018 йил 27 апрелда берилган адвокатлик тузилмасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Т8 №000218 рақамли гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди ҳамда адвокатлик тузилмаси давлат рестрициядан чиқарилди.

Буюроқ вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 27 сентябрдаги бўйруғига асосан адвокат Самадова Нодира Анаваровнага бошқарма томонидан 2019 йил 27 сентябрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи ВН №000150-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми (адвокатлик гувоҳнома №141, 15.10.2019-й.) унинг аризаласига мувофиқ тугатилди.

<p><b>ИНСОН ҚОНУН</b></p> <p>МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>www.minjust.uz</p>	<p>2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган</p> <p>1538 2010-7897</p> <p>4 772603 797038</p>	<p><b>Бош муҳаррир</b></p> <p><b>Кўчқор НОРҚОБИЛ</b></p>	<p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b></p> <p>Тошқулов Акбар Жўрабоевич Рабиев Шерзод Миржалилович Тожиёв Фурад Шомуродович Искандаров Ербек Нурбекович Эргашева Дилфуза Рустамовна</p>	<p>Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.</p> <p><b>Навбатчи</b> Латофат Юсубова</p> <p><b>Саҳифаловчи-дизайнер</b> Жасур Тожибоев</p>	<p><b>Нашр индекси:</b> 137</p> <p>"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририятга компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимида, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида chop этилди.</p> <p><b>Қорхона манзили:</b> Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси, 30-уй.</p> <p>Тиражи — 6154 Буюртма — V-4070</p> <p>Тошпириш вақти — 19:00 Тошпирилди — 00:30</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.</p> <p>Факс: (0371) 277-02-97</p> <p>Обуна бўлими: 277-02-57</p> <p>Баҳоқи келишигандан нарҳда</p> <p>1 2 3 4 5</p>
---	--	--	--	---	--	--

## Освенцим — ўлим лагери

Освенцим 1940 йилнинг май ойида гитлерчи фашистлар томонидан поляк казармалари ўрнида ташкил қилинган. Концлагерь дарвозасига катта ҳарфлар билан немис тилида "ARBEIT MACHT FREI" ("Меҳнат озод қилади"), деган ёзув битилган эди. 1945 йил кўп миллатли совет жангчилари томонидан фашистларнинг Освенцим — ўлим лагери озод қилинади. Польшанинг Освенцим шаҳарида жойлашган бу лагерьни озод қилиш учун олиб борилган беаёв жангда Қизил армиянинг 231 нафар аскар ва офицерлари ҳалок бўлган.

Маълумотларга кўра, Освенцимда (Аушвице — Биркенау) бир миллиондан ортиқроқ маҳбус кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқ ва азобда ўлимга маҳкум қилинган. Уларнинг ўндан тўққиз қисми яхудийлар эди.

Россия Мудофаа Вазирлиги мазкур Концлагерь озод қилинганлигининг 75 йиллиги муносабати билан архивда сақланаётган бир қатор маҳбус ҳужжатларни кенг оммага маълум қилди.



Борис Полевой қаламига мансуб "Чин инсон қиссаси" кўпчилигининг эсида бўлса керак. Айнан ўша асар муаллифи, "Правда" газетасининг ҳарбий муҳбири Концлагерь озод қилинган, бу дўзахдан омон қолган бир неча маҳбуслар билан биринчи бўлиб суҳбатлашишга муваффақ бўла олди. Очликдан силласи қуриган, кўзлари кўркүвдан олазарақ, юзларида даҳшатли азоб-укубатлар муҳри босилган маҳбусларнинг сўзларини эшитишга ҳар кимнинг ҳам асаби дош беролмаслиги тайин.

## Мурдалар 8 дақиқада ёниб қулга айланган

Концлагерь ташкил қилинган дастлабки икки йил ичида маҳбусларни оддий усулда, яъни отиб ўлдиришарди. Сўнгра мурдаларнинг 200-250 нафарини битта катта

чуқурликка кўмишарди. Бу қабрларни қазिश ва кўмиш ишларини маҳбуслар, айрим ҳолларда ўлимга маҳкум этилганларнинг ўзлари бажаришарди. Лагерьнинг жанубий қисмида жойлашган бу каби юзлаб қабрлар маҳбуслар ва лагерь хизматчилари тили билан айтганда, "Гитлер хиёбони", деб аталарди.

Кейинчалик маҳбуслар кўпая борган, немис фашистлари ўлдиришининг осон йўлини қидира бошлашди. Шу мақсадда 1942 йил мазкур Концлагерьда иккита крематорий қурилди. Биринчиси, Майданек Концлагери каби қурилган эди. Унда ис газидан бўғилиб ўлган маҳбусларнинг мурдалари ёқиларди. Узун трубалардан уззу-кун қора тўтун кўкка ўрлаган бу бинолар бир қарашда улкан заводни эслатар, кўринишининг ўзиёқ маҳбуслардан тортиб оддий хизматчи-

ларгача даҳшат уйғотарди. Иккинчиси эса, "ўлим конвейери", деб аталарди. Узунлиги деярли ярим километрдан зиёд бўлган бу бинонинг охирида кўмир гази билан иситиладиган улкан шахтёр печлари жойлашган эди. Исиклик даражаси 800 С° бўлган бу печларга ташланган маҳбуслар 8 дақиқа ичида куйиб, қулга айланарди.

## Жаллод шифокорнинг қотил виждони

Немис фашистларининг Аушвицеда содир этган ваҳшиёна жиноятлари 1-Украина фронтининг Ахборот хабарномасида батафсил кўрсатилган эди. Кейинчалик мазкур ҳужжатда битилган тафсилотнинг айримлари Совет Иттифоқи томонидан Гитлер режимига беғуноқ инсонларнинг қонини тўкишда қўйилган айбловда да-

“УША даҳшатли йиллар кимдир юрак ютиб Менгелдан “Бу қадар кўп беғуноқ инсонларнинг қонини тўкишга виждонингиз қийналмай-дими?”, деб сўради. Унинг жавоби кескин бўлди: “Нима у виждон? Менинг виждоним — Адольф Гитлер”.

лил сифатида фойдаланилди.

Тина ЛЕВИНА, собиқ маҳбус Варшава фуқароси: “Концлагерьда аёлларнинг овқатига бром ва яна қанақадир порошок қўшиб бериларди. Бунинг натижасида аёллар бир умр оналик мавқеидан маҳрум бўлиб қолишарди. Ҳар бир баракка шафқатсизликда фашистлардан ҳам ошиб тушадиган собиқ жиноятчи аёллардан бошлиқ тайинлашган эди. Улар маҳбусларга, ҳатто ҳайвон ҳам бардош бериши қийин бўлган турли қийноқ усулларини қўлларарди.

Освенцим Концлагерьида маҳбус аёллардан иборат икки тоифага бўлинган фоҳишахона ҳам ташкил қилинган эди. Биринчи тоифа сотқин, немисларга хизмат қилувчи маҳбуслар учун, иккинчи тоифадаги немис миллатига мансуб маҳбус аёллар фақат СС аскарлари учун хизмат кўрсатишарди”.

Шунингдек, Россия Мудофаа вазирлиги эълон қилган хабарномада юқорида Борис Полевой суҳбатида эслаб ўтилган шахтёр печлари ҳақида шундай дейилган: “...Ва яна маҳбуслардан тузилган зондеркоманда, яъни маҳбус гурӯҳ мавжуд эди. 400 кишидан иборат бу гурӯҳнинг вазифаси газдан бўғилиб ўлган мурдаларни печга ташиб келтириш ва ёқиш бўлган. Гурӯҳ аъзоларининг ўзларини ҳам ҳар икки ойда ўлдириб, ёқиб юборишарди. Чунки улар кўп нарсани билишарди-да. Аввалига 200 нафар одамни йўқ қилишарди ва ўринларига янгиларни тайинлашарди. Янги келганларга зондеркоманданинг тирик қолган 200 нафар аъзолари қандай ишлашни ўргатишарди, шундан сўнгра улар ҳам худди эски усулда йўқ қилинарди”.

Доктор Зигмунд Блох кўрсатмаси: “Аушвице-Биркенауда доктор Менгел исмли жаллод шифокор ишларди. Ундан маҳбуслар жуда кўрқиниб қўриққан эди. Унинг маҳбусларни кўришдан ўтказарди. Уша пайтда кимдир юрак ютиб ундан шунча ёш ва беғуноқ одамларни ўлдиришга виждонингиз қийналмай-дими, деб сўради. Менгел жавоб қилди: “Нима? Қанақа виждон? Менинг виждоним бу Адольф Гитлер”.

“Освенцим Концлагерининг ўлим фариштаси” лақабли Йозеф Менгел номи фашизмнинг инсоният олдидаги кечиб бўлмас жиноятлари битилган саҳифада шу сўзлари билан қолди.

## Ўлим техникаси

1942 йил Концлагерьга “Қора орден” соҳиби, ССчи Генрих Гиммлер ташриф буюриб, оммавий қирғин техникасини янада ривожлантиришга буйруқ берди. Уша пайтда Освенцим яхудийлар масаласини узиш-кесил бартараф этиш борасида биринчи ўринда турган. 1-Украина fronti ҳужжатларида келтирилган маълумот: “Нафақат Польша, балки бутун Европа мамлакатларидан олиб келинган маҳбусларни оммавий заҳарлаш ва крематорийга жўнатиш янада авж олди. 1942 йилда Чехословакиядан бутун бошли оилалар келтирилиб, печларда ёқилди. 1943 йили Франция, Бельгия, Голландия, Греция, Болгария ва бошқа Европа давлатлари фуқаролари эшелонлаб олиб келинди. 1944 йил июнь-июль ойларида Венгрия тўлиқ босиб олинган, немис фашистлар томонидан икки ой давомида 600 000 нафар венгер яхудийлар Концлагерьга келтирилиб, йўқ қилинди. 1944 йил эзида бир кунда 17 000 нафар лўлилар ёқилди. Шундан сўнгра лагерьдаги барча шифокор маҳбуслар касалларни ёмон даволаган, деган айблов билан печларга жўнатилиди”.

## Миллатчилар фашистлардан қолишмади

Совет яхудийларини оммавий қирғин қилишда 1941 йил 22 июндан сўнг бош кўтарган миллатчилар ҳам салмоқли улуш қўшган. Украина ва Болтиқбўйида яшовчи яхудийларнинг аксарият қисми ўз қўшнилари томонидан ўлдирилди. Айрим ҳолларда эса бундай тубанликка ССчилар келмасдан олдинроқ қўл урилди. Масалан, Каунасда июнь ойи давомида литвалик миллатчилар томонидан 4 000 нафар яхудий ҳалок қилинди. Июль ойида худди шундай хунрезлик Львовда бўлиб ўтди. Тернополь, Вильнюс, Рига ва Беларусда ҳам яхудийлар қатлими қилинди. Бу қирғиндан кўзланган мақсад фақатгина миллатчилик эмас, балки босқинчилик характерида ҳам айро эмасди. Аммо қўли қонга беланган босқинчилар тўплаган бойлик уларнинг ўзларига ҳам насиб қилмади. Немис босқинчилари томонидан тортиб олинди.

Фашистлар ишончига сазовор бўлган миллатчилар Болтиқбўйи ва Украинада бир қатор ифлос ишларни бажаришга жалб қилинди. Чунончи, босиб олинган жойларда рус ёрдамчи полицаилар томонидан 100 000 нафардан ортиқ одам осиб ўлдирилди. Шу сабабли беғуноқ инсонлар қирғинида полицаилар ҳам жавобгарликка тортилди.

Фақат Россиянинг ўзида гитлерчилар томонидан 120 000 нафар, Украинада 1,4 миллион нафар, СССР худудида эса 2,6 миллион нафар яхудий ўлдирилди. Иккинчи жаҳон урушида жами 4 миллиондан 7 миллионгача яхудий миллатига мансуб инсон умрига ана шу тарзда нуқта қўйилди.

“Инсон ва қонун” муҳбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА таржимаси.

Манба: “Аргументы и факты”